

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ-МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Илхом Абдихалилович СУВАНОВ**

Фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори  
Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги  
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти  
Тошкент, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мақолада глобаллашув шароитида ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, бугунги кунда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатларнинг тобора кучайиб бораётганлигига оид фикрлар ифодаланган.

**Таянч сўзлар:** глобаллашув, ахборот, маънавият, мафкура, хавфсизлик, “оммавий маданият”, таҳдид, эгоцентризм, интернет, ахлоқсизлик, худбинлик, тубанлик.

## ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ И ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

**Илхом Абдихалилович СУВАНОВ**

Доктор философии по (PhD) философским наукам  
Институт социально-духовный исследований  
при Республиканском центре духовности и просветительства  
Ташкент, Узбекистан

### **Аннотация**

В статье анализируются вопросы обеспечения информационной и идеологической безопасности в условиях глобализации. Также в статье отражено развитие политических сил и движений, стремящихся расширить сферу своего влияния идеологическими средствами.

**Ключевые слова:** глобализация, информация, духовность, идеология, безопасность, угроза «массовой культуры», эгоцентризм, интернет, безнравственность, эгоизм, порочность.

Бугунги тезкор глобаллашув шароитида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданият соҳаларда халқаро муносабатларнинг интеграция жараёнлари тобора ортиб бораётганини кузатиш мумкин. Айниқса, глобал ахборотлаштириш жараёнларининг фаоллашуви замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тез суръатларда ривожлантиришга замин яратмоқда. Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик йўлдош

телерадио алоқа тизимлари техник-технологик воситаларининг кучайиб бориши натижасида ахборот алмашув, хусусан, ғоявий-мафкуравий таъсир ўтказиш тобора кенгаймоқда. Шу ўринда, ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлашда мафкура масаласига жиддий эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ҳақда фикр юритганда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!” [2], дея таъкидлагани бежиз эмас, албатта. Бинобарин, давлатимиз раҳбари маънавият ва мафкура масаласидаги чиқишлари орқали бу соҳадаги масъулиятни теран англаган ҳолда янгиланаётган жамиятимизда барча соҳалардаги туб ислохотлар мазмунини фуқароларимиз қалби ва онгига етказа оладиган улуғвор мақсадларни ўзида мужассам этувчи миллий мафкурани шакллантириш ҳақида доимо фикр юритади. Шу тариқа, инсон маънавиятига раҳна солиш орқали унинг онги ва дунёқарашини ўзгартириш мақсадида ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказиш тобора кучаяётганлигини кузатиш мумкин.

Шу ўринда, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-биридан тубдан фарқ қиладиган икки йўналиш намоён бўлмоқда. *Биринчидан*, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. *Иккинчидан*, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда [4].

Айниқса, бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва нарқобизнес ҳодисаларида янада кенгроқ намоён бўлмоқда. Бирон-бир ҳудуд

ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада, одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамоқда.

Бугунги кунда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда. Муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тизимни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи мафкуравий тажовузлар кескинлашмоқда. Бундай тажовузга қўл ураётган ёвуз кучлар ўзининг жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган айрим ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар [3]. Шу тариқа, замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатларнинг жадаллашуви оқибатида мафкуравий таъсир ўтказиш ниҳоятда ўткир қуролга айланиши натижасида турли хил сиёсий кучлар ўз манфаатлари ва мақсадлари йўлида фойдаланиш ўзларининг истиқболдаги режалари эканлиги тобора ойдинлашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ахборот хуружининг таҳликали шакли кишилар онгига ғоявий ва мафкуравий таъсир ўтказишга уриниш эканлиги кундан-кун маълум бўлмоқда. Зеро, бундай тажовузга қўл ураётган ёвуз кучлар ўзининг жирканч мақсадларига эришиш учун турли хил усуллардан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, “демократия тарғиботи” шаклида берилаётган ахборот хуружи замирида бевосита Ғарб турмуш тарзининг зўрма-зўраки “сохта демократия” кўринишида тарғиб этилаётгани ташвишлидир. Шу ўринда, “айрим” сиёсий кучлар томонидан давлат аҳамиятига молик ахборотларни тарқатиш орқали инсонлар қалби ва онгини забт этишга уриниш кучаймоқда.

Бугунги кунда ахборот орқали узоқ ва яқин минтақада ўзига керакли ижтимоий фикр оқимини шакллантириш, инсонлар қалби ва онгини “*мўлжалли ўзгартириши*” айрим мамлакатларда долзарб вазифа сифатида илгари сурилмоқда. Бу жараённинг энг мухим хусусиятларидан бири – турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш замирида ғоят катта иқтисодий манфаатлар турганлигини англаш қийин эмас. Глобал миқёсда инсонлар қалби ва онгини забт этишга интилаётган ахборот хуружлари орқали муайян халқ, миллатнинг менталитети, маданияти, маънавияти ҳамда ҳарбий инфратузилмасига деструктив тарзда салбий таъсир кўрсатадиган махсус дезинформацион (атайлаб нотўғри тарқатилган ахборот) ахборот тарқатилаётганлиги мунтазам огоҳликка даъват этмоқда. Ажабланарли томони сохта ахборотларни уюштириш орқали нафақат муайян халқнинг, балки миллатнинг миллий турмуш тарзини ҳамда тафаккурини ўзгартиришга интилиш тобора кучаймоқда.

Ҳозирга кунга келиб, дунёнинг йирик давлатларидаги халқаро сиёсий марказлар ахборот хуружларини амалга ошириш орқали ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон ахборот маконига чиқиш жараёнини издан чиқаришига интилмоқда. Хусусан, айрим етакчи давлатлар муайян мамлакатдаги ҳукумат бошқаруви, давлат тўғрисида ҳолисона фикрларни амалда мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ғояни илгари суришга интилаётгани тобора ойдинлашмоқда. Ўз навбатида, ахборотдан вайронкор куч сифатида фойдаланаётган бузғунчи кучлар муайян минтақа ва ҳудуддаги мавжуд бошқарув тизимига нисбатан норозилик кайфиятини уйғотиш учун маҳаллий аҳоли вакиллари онгини чалғитишда уларнинг онги ва психологиясини ўзгартириш мақсадида аниқ асосга эга бўлмаган ахборотни тарқатмоқда. Зеро, ахборот хуружлари хусусиятларидан бири шундаки, улар аввало, миллатнинг тарихан шаклланган маданияти, қадриятлари ва унинг ўзига хослигини барбод этиш билан бир қаторда инсонларни миллат ва халқ сифатида яшаш хавф остида қолишига замин яратади. Ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлашда, биринчи навбатда, халқимизда соғлом

дунёқарашни шакллантириш, улар онгу тафаккурини ўстириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, маънавий-маърифий ва тарғибот тизимини такомиллаштириш ва давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари долзарб аҳамият касб этади. Маълумки, миллий мафкура миллий манфаатларнинг қобиғи бўлиб, унинг вазифаси шахс, жамият ва давлат жипслигини таъминлашдан иборат. Миллий мафкуралар ўртасидаги кураш ахборот-мафкуравий уруш ёрдамида олиб борилади. Шу сабабли, қўйилган вазифаларни амалга оширишда юзага келган сиёсий воқеликни атрофлича илмий таҳлил этиш, миллий, иқтисодий, ижтимоий хавфсизликни таъминлаш билан бир қаторда ахборот-мафкуравий хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Шу ўринда, глобаллашувнинг тобора кучайиб бориши ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масаласини долзарблаштирмоқда. Ахборот-мафкуравий кураш глобаллашув жараёнининг маҳсули бўлиб, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, турли хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган “санъат асарлари”ни ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда глобал миқёсда ғоявий-мафкуравий таҳдид сифатида кенг тарақалаётган эркинлик ниқобидаги “оммавий маданият” замирида ҳар қандай халқ ва миллат маънавиятини издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ётибди. Глобал миқёсда маданият кўринишида тарғиб қилинаётган “оммавий маданият” таҳдиди ёшларимиз маънавияти, дунёқарашини ва ахлоқига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, бугунги кунда тобора кенгайиб, ўз шаклини ўзгартириб бораётган “оммавий маданият”ни аксарият ғўр ва тажрибасиз ёшлар “европача маданият” ва “эркинлик” сифатида қабул қилишаётгани айниқса, ташвишлидир. Зеро, “оммавий маданият” таъсирида ёшлар қалби ва онги, руҳиятини издан чиқаришга бўлаётган ҳаракатлар ушбу мафкуравий-

ғоявий тахдидларнинг ҳар қандай халқ ва миллатнинг ўзига хослигини рад этувчи ғояни тарғиб этишга йўналтирилганлиги шубҳасиз.

Шу тариқа, “оммавий маданият” ўзида тубан ва бузғунчи ғояларни намоён этиш орқали мамлакат тараққиётига тахдид солаётганлиги тобора ойдинлашмоқда. “Оммавий маданият” тарафдорларининг асл мақсади миллий давлатнинг тараққиёт моделига ишончсизлик туйғусини уйғотиш орқали тараққий этаётган давлатнинг моддий ва маънавий бойликларини эгаллашдан иборат. Айнан мазкур омиллар, гегемон давлатларнинг дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишда зўравонлик руҳиятини ва ахлоқий бузукликни ифода этишда “оммавий маданият”ни реклама, тарғибот ва ташвиқот қилиш орқали маданиятлараро таъсир кўрсатишда муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, “оммавий маданият”нинг асосий хусусиятларидан бири – гегемон давлатнинг маданиятини ривожланаётган мамлакатга “экспорт” қилишда намоён бўлмоқда. Бошқача айтганда, қудратли давлатлар мафкуравий таъсир ўтказиш, ўз миллий манфаатларини рўёбга чиқаришда ўзга давлат маданиятига таъсир этишда таъсирчан қурол сифатида “оммавий маданият” ниқобидан фойдаланмоқда.

Шу ўринда, ғоявий-мафкуравий тазйиқ ва тажовузуларнинг олдини олиш учун авалло ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлаши кечиктириб бўлмас заруриятга айланмоқда. Ана шундай тадбирлар изчил амалга оширилганда мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ғоявий қарашлардаги муайян фарқлардан қатъи назар, умуминсоний қадриятлар, тинчлик ғояларига содиқликнинг камол топишига шароит яратади, умуминсоний цивилизация тараққиётнинг муҳим омилига айланади.

Ҳозирги даврда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган бир пайтда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасига назар ташланса, аксарият илғор давлатларда умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган мафкуралар амал қилмоқда. Уларда

тинчлик ва тараққиёт, инсон ва жамият камолотига хизмат қиладиган умуминсоний ғоялар устувордир. Шу билан бирга, инсон онгида янгича дунёқараш ва тафаккур тарзи шаклланаётган ҳозирги даврда муайян кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган интилиши кучайиб бормоқда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва терроризм, ирқчилик ва экстремизм мафкурлари шулар жумласидандир.

Жаҳон миқёсида ахборот-коммуникация технологиялари дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшиши билан бирга, мураккаб ва зиддиятли характерга эга бўлган жараёнларни ҳам келтириб чиқармоқда. XXI асрда ахборот ресурслари ижтимоий, маданий, маънавий соҳадаги маълумотлар орқали турли ёш ва тоифадаги шахсларнинг онгига таъсир қилиб, уларнинг дунёқарашини, ижтимоий характери ҳамда мураккаб тафаккурини шакллантириш воситаси сифатида реал воқеликка айланди. Шу сабабли шаклланаётган ахборотлашган жамиятда маънавиятда ҳам турли хил ўзгаришларни инобатга олиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда жаҳон геосиёсий майдонидаги ўзгаришлар, глобаллашув жараёнларининг тобора авж олиши ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, маънавий-мафкуравий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. Мана шундай мураккаб бир шароитда тинчлик, барқарорликни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда глобал миқёсда ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлашда мамлакатимизда аниқ мақсадга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бу борада юртимизда ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлашда энг авалло, аниқ мақсадга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, ахборот-мафкуравий хавфсизлик соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш борасида жиддий фикрлашни тақозо этади. Бу ҳақда

Ўзбекистон Республикасининг ахборот-мафкуравий хавфсизлиги ҳолати ҳақида фикр юритганда, 2021 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлашдаги муҳим қадамлардан бири саналади. Мазкур қарорда Миллий ғояни шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда олиб борилаётган янгиликлар, маънавий-маърифий йўналишда олиб борилиши зарур бўлган фаолият йўналишлари кўрсатиб берилган. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган мазкур фармонда маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизимнинг мавжуд эмаслиги, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилмаётганлиги, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаганлиги таъкидлаб ўтилади.

Бугунги кунда минтақа ва юртимизга қарши қаратилган “ахборот қуроли”дан фойдаланиш кўлами тобора ортиб бормоқда. Маълумки, “ахборот уруши” ҳарбий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан жуда арзон бўлиб, у таъкидлаганимиздек, ядро қуролидан ҳам қудратлироқ кучга эга. Яъни, ахборотга эга шахс ҳар қандай жараённи назорат қила олиши ва ундан ўз мақсад ва манфаати йўлида самарали фойдалана олиш имкониятига эга.

Хулоса қилиб айтганда, Давлатимиз раҳбари қайд этганидек: “Ҳозирги глобаллашув даврида, инсон онги ва қалби учун кураш кучайган бир пайтда турли ғоявий таҳдид ва хуружлар жамиятимизнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатишнинг кучли қуроли сифатида намоён бўлмоқда” [1]. Бинобарин, ахборот-мафкуравий хавфсизликни таъминлашда энг аввало, жамият хавфсизлиги ва мамлакат барқарорлигига раҳна солишга интилаётган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлар ва хатарларга қарши доимо огоҳ бўлиш ҳар бир Ватандошимизнинг муқаддас бурчидир.



## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Учинчи нашри. – Тошкент: O‘zbekiston? 2021. – 263 б.
2. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи). //Халқ сўзи. 2017 йил 16 июнь № 119 (6813) Б.2.
3. Аҳмедов. Ҳ. Ёшларни таҳдидлардан асрашда маънавий тарбиянинг ўрни: Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва тарғиботнинг замонавий технологиялари республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: MAX PRISTIL, 2022. – Б. 34.
4. Назаров Қ. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2009.